

Qishloq hayoti

2009 йили Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 9 OKTYABR, JUMA, 118 (7579) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Фермер хўжалигида ишчиларга қулай иш шaroити яратиб берилгани боис ҳар бир тармоқ — ғалла, пахта, боғдорчиликдан яхши ҳосил олиниб, хўжалик даромади ошиб бораётир. Бу эса ўз навбатида хўжаликнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишига асосий омил бўлмоқда.



“Янгийўлшаҳарсавдо” масъулияти чекланган жамият тасарруфида ташкил этилган “Янгийўлнон” кичик корхонасида Россиянинг Белгород шаҳридан келтирилган янги технология ёрдамида кунига 6 тоннадан зиёд буханка нонлари тайёрланипти.



“Жайрон” экомаркази Бухоро вилоятидаги ўзига хос ёввойи табиатни акс эттирган масканлардан бири ҳисобланади. 16514 гектар майдонда айни кунда 600 бошдан зиёд жайрон, 60 бош қулун, 20 бош Превальский отлари ва бошқа ноёб жониворлар парвариш қилинмоқда.

Кунинг муҳим воқеалари

► Пойтахтимизда жорий йилнинг 12-17 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган маданият, санъат ва мода соҳасидаги йирик лойиҳа — Art Week Style.uz — 2009 ҳафталигига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

► Когон шаҳридаги “Бухорогипс” Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси қошида қуруқ қурилиш аралашмалари тайёрланадиган кичик завод ишга туширилди.

► Самарқандда «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўриқ-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда саломатлик ва тиббий статистика институти Самарқанд филиали директори, «Мулоқот» гуруҳи аъзоси Лайло Алмадова голибликни қўлга киритди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

► Навоий шаҳрида эркин ва юнон-рум қурашига ихтисослаштирилган янги спорт мактаби ишга туширилди. 700 нафар ўқувчига қураш сирларидан сабоқ беришга мўлжалланган ушбу бинода иккита машғулотлар зали ва ювенил муҳайё этилган.

Олтин кўз саховатини



Самарқанд туманидаги “Паризода Зубайдуллаева” фермер хўжалиги соҳибкорлари жорий йилда 150 тонна узум етиштиришга аҳд қилишган. Айни пайтда эса тоқзорларда узумлар ширага тўлиб, эл дастурхонига тортиқ этиляпти.

— Бизда узумнинг тоифи, қоражанжал, қора кишиш сингари навларидан мўл ҳосил етиштирилди. Дастлабки 50 тонна узумни Россияга экспорт қилдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Исмаилов Зубайдуллаев. — Даромадимиз чакки эмас. 10 миллион сўмлик соф фойда кўраёпмиз.

СУРАТДА: фермер хўжалиги раҳбари Исмаилов Зубайдуллаев.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Самарқанд вилояти

Жанубий Корея делегацияси Оролбўйида

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин эгаллаган Жанубий Корея Республикаси делегациясининг Оролбўйига қилган беш кунлик ташрифи Хўжайли шаҳридаги 1-сон Мехрибонлик уйида хайрия учрашуви билан якунланди. Мазкур мамлакат санъаткорларининг ўзига хос куй-қўшиқлари, жозибали рақслари йирилганлар қалбини ром этди.

Нотижорат-нодавлат ташкилотлари уюшмаси вице-президенти Хем Сак Хо раҳбарлик қилган делегация таркибидаги мала-

кали шифокорлар Нукус шаҳридаги Тиббиёт марказида беморларни қабул қилишди. Улар бошқа бир неча касалхоналарда ҳам

Ўзбекистон ва жаҳон

бўлишиб, ўзлари билан олиб келган ноёб дори-дармонлар, замонавий тиббий асбоб-ускуналар воситасида муолажалар уюштиришди. Бу мамлакатдан ташриф буюрган шифокорларнинг Қорақалпоғистон Республикаси кўз касалликлари касалхонасидаги ишлари ҳам са-

марали бўлди. Шунингдек, маданият ходимлари корей халқининг ранг-баранг санъатини намойиш қилишди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 8 октябрь кун Оқсаройда Швейцария Конфедерациясининг Федерал маслаҳатчиси, Федерал ташқи ишлар департаменти раҳбари Мишлин Кальми-Рэй хонимни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Швейцария муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини, ушбу учрашув икки томонлама ҳамкорликка оид турли масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади. Швейцария Европа давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Тошкентда ўз дипломатик ваколатхонасини очган. Икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сарможаларни рағбатлантириш ва ўзаро химоялаш, икки томонлама солиқдан қочиш тўғрисидаги қатор ҳуқуқатларро битимларга асосланади. Мамла-

катларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий қилинган. Швейцария сарможаси иштирокида юзга яқин қўшма корхона тузилган. Ушбу мамлакатнинг 35 фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Тошкентда 1995 йилдан буюн “Креди Свисс” банки ваколатхонаси иш юритади. Техникавий-молиявий ва гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатга биноан қўшма ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Утган йиллар давомида миллий ва минтақавий аҳамиятта молик йигирмадан зиёд лойиҳа ҳаётга татбиқ этил-

ди, ўндан ортиқ лойиҳанинг ижроси давом этмоқда. Бу лойиҳалар сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини барпо этиш ва таъмирлаш, касб-хўна таъминоти ривожлантириш каби соҳаларни қамраб олган. Мулоқот чоғида долзарб халқаро сийёсий ва минтақавий муаммолар ҳам муҳокама қилинди. Оқсаройдаги учрашувда Мишлин Кальми-Рэй самими қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди, Швейцария Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлаши ва изчил ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

(ЎзА)

Тошкент ахборот технологиялар университетининг Фаргона филиали 2005 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Ўқув даргоҳининг дастлабки талабалари информатика, информатсион технологиялар ва касбий таълим йўналишлари бўйича тамомлаб, халқ хўжалиги тармоқларида иш бошлашди. Бугунги кунда филиал аудиторияларида 900 дан зиёд йигит-қиз таълим олмақда.

ЯНГИ БИНОДА ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Ўқитувчилар ва мураббийлар кун арафасида вилоят марказида олийгоҳнинг муҳташам янги биноси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан талаба ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида катта тантана бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар янги илм даргоҳининг қуриб битказилиши ҳуқуқатимиз ва Юртбошимиз томонидан ёшларнинг билим олишлари ҳамда етуқ кадрлар тайёрлашга доимий равишда катта эътибор бериб келётганининг самараси эканлигини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, олийгоҳ учун янги бино қурилиши Президентимизнинг “Фаргона ва Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича тадбирлар Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қароридан белгиланган тадбирлар доирасида амалга оширилди.

Шаҳар кўрғига кўрк қўшган ўқув биносини вилоятдаги энг йирик қурилиш-монтаж ташкилоти — республикада хизмат кўрсатган

қурувчи Раҳматжон Эркабоев бошлиқ 1-қурилиш жамланмаси жамоаси белгиланган муддатда барпо этди. Илм масканида талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан боғлаб, малакаларини оширишлари учун барча қулайликлар яратилди. Ўқув ва машғулот хоналари энг сўнгги русумдаги, жаҳон стандартларига мос ахборот технологиялари билан жиҳозланди. — Филиалимиз илмий-педагогик жамоаси билан Буюк Британия, Австрия, Германия ва Россиядаги бир қатор соҳадор олий билим масканлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан шартномалар тузилди, — дейди филиал директори Р.Тешабоев. — Замонавий ахборот воситалари билан таъминланган янги мажмуанинг ихтиёримизга топширилган бундай алоқалар ва ҳамкорликнинг янда кенгайтишига ҳамда бундан қўланган мақсадларга эришишимизга ёрдам беради.

Музаффар МАМАТКУЛОВ

Фаргона вилояти

ОБУНА - 2010



АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

“Qishloq hayoti” ва унинг иловаси “Hayot” газеталарига 2010 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна газета тахририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул тўловни ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик карточка орқали амалга оширилади.

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ: “Qishloq hayoti” ва “Hayot” биргаликда — 144 “Hayot” — 145

ЭГАТЛАРГА ЭКИЛГАН РИЗҚ

Эрта кўламда даласига йўл олган дехқоннинг ҳар қадамига хуш ниятлар тўкилиб боради. Зеро, ҳар қандай қутлуг ва улуг ишларнинг аввали яхши ниятдан бошланади. Бугун дала айланган, пахтазор оралаган ҳар бир инсон гўё боболаримизнинг, момоларимизнинг оқ ниятлари оппоқ пахта бўлиб эгатларга сочилгандек, ўзбек халқининг эзгу тилаклари чанокларда чирой очгандек ажиб манзараларга гувоҳ бўлади.

Аслида ҳам меҳнатқаш, ҳалол ва мард элимизнинг тилаклари пахта тасидек оппоқ. Шу боис бугун ҳар бир юртдошимизнинг, пахта пайкаларидан йироқ-йироқдагиларнинг ҳам хаёли шу далада. Чунки “хорман, пахтакорим” деган сўзни бир бора дилдан айтиш ҳам улкан хирмонга тиланган барака билан баробар.

Қўлига қалам тутган, ижодкорман деган инсон айни шу паллада

эгатларга эгилган, қут-барака хирмонини яратётган меҳнат аҳли хузурига бормоғи, икки оғиз яхши тилак ила улларга мададкор бўлмоғи зарур. Шу ниятда яқинда Тошкент вилоятининг Қўйичирчиқ тумани пахтакорлари хузурида бўлдик. Тўғриси, пахта йигим-теримида иштирок этаётганлардан хабар олиш учун Паркентдан келган отахонлар мени хайратга солди. Оппоқ соқоли кўксига тўкилиб тур-



ган 75 ёшли Кўчқор ота айтган гаплар ҳаммининг дил изхори эди. — Ўғил-қизларим, аввало беадад

Ёзувчилар пахта далаларида

шукурким, шундоқ озод ва обод, тинч ва осейишта замонда яшаш бахтига муяссар бўлдик. Бугунгидек тўқинлиқни, хуррамликни илгари биз фақат орзу қилардик. Бугун чанокдан оппоқ пахтани териб олаётган ҳар бир кишининг дилида бир ишонч туйғуси бор. Чунки, шу меҳнати ўзининг юрти, хонадони фаровонлиги учун эканини яхши англайди. Бугун Юртбошимизнинг оқилона сийёсати тўғрисида барча бойликларимиз ўзимизга буюрмоқда, улуг ниятларимизга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ерғодеждастр”, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, “Ўздонмаҳсулот”, “Ўзқимёсановат”, “Ўзғросуғурта”, “Ўзвинёсановат-холдин”, “Ўзбекенгилёсановат”, “Ўзқишлоққўжалиқмашин” компаниялари, “Ўзпахтасановат”, “Ер-мой ва озик-овқат сановати”, Ўзбекистон фермер хўжалиқлари, “Ўзғромушсервис”, “Ўзғўштўтсановат” уюшмалари, “Агробанк”, “Қишлоқ қурилиш банк”, Халқ банки, “Гидрометеорология” бош бошқармаси, Агроеконом ходимлари касеба уюшмаси Марказий кенгаши, “Ўздавдонинспекция”, “Сифат” маркази

Учқудда хусусий тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар ўз самарасини бермоқда. Шаҳар марказида жойлашган “Учқудук дехқон бозори”нинг тўздан қайта реконструкция қилиниши бу борада муҳим қулайлик яратди.

ОБОД ЮРТ БОЗОРИ

Айни пайтда мазкур бозор ҳудудида қирқдан зиёд янги савдо дўконлари ишга туширилди. “Ал-Туркистон гранит” масъулияти чекланган жамият муандис-қурувчилари томонидан бажарилган реконструкция ишларига 591 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бозор теварағида амалга оширилган ободончилик ишлари ҳам кўнгилдагидек адо этилди. Шаҳар хуснига кўрк қўшадиган равои йўллар бунд этилиб, атрофи гулзорга айлантирилди. Бахриддин САДРИДДИНОВ

Навоий вилояти

Хамкорлик

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН ҚОҒОЗ ТАЙЁРЛАНАДИ

Маҳаллий хомашё — гўзапоя, бугдойпоя ва шилипоядан қоғоз ишлаб чиқарувчи "Асл қоғоз" Хитой-Ўзбекистон қўшма корхонасига тушган, бир кеча-кундузда 160 тонна маҳсулот этиказиб бера бошлайди.

Ширин шаҳрида қад ростлаётган бу корхонанинг лойиҳавий қиймати 20 миллион 953 минг АҚШ долларини ташкил этади. Айни вақтда қўшма корхона қурилиши учун ажратилган жойда қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатда давом эттирилиб, ишлаб чиқариш ҳақида Хитойдан иккита линия келтириб ўрнатилган чоралари қурилади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ Сирдарё вилояти

КОМБИНАТГА ИККИЛАМЧИ РЕСУРС

Бозор иқтисодиёти шароитида кўпчиликнинг темир-терсак тўплашга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Чунки унинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти.

Ўзбекистон металлургия комбинатига қарашли Жиззах иккиламчи қора металл шўба корхонасида ўттиз беш киши меҳнат қилади. Жамоа ишчилари бу йил 20 минг тонна металл парчаларини йиғиб топширишга бел боғлашган. Бир ойда эса ўртача 1700 тонна атрофида металл йиғишга тўри келади. Шу йилнинг ўтган орти ойда эса 9 минг тоннадан ортиқ иккиламчи хомашё Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинатига жўнатилди.

Бу кўрсаткичларга ўз-ўзидан эришилмапти, — дейди шўба корхона директори Икром Тўймуродов. — Вилоят миқёсидаги барча корхона ва муассасалардан ўз вақтида темир парчаларини йиғиштириб олиш, уни кечиктирмасдан жўнатиш доимий эътиборимизда турибди. Чунки мамлакат миқёсидаги энг катта саноат корхоналаридан бири — Ўзбекистон металлургия комбинатининг бир маромда ишлаши биз каби жамоаларнинг зарур иккиламчи ресурс билан ўз-

луксиз таъминлашига боғлиқ.

Бу йилги кўрсаткичларимизга Жиззах вилояти машина-трактор парклари бирлашмаси жамоаси салмоқли ҳисса қўшмоқда. Томчи-томчи йиғилиб дарё бўлар, деганларидек, бошқа ташкилотлар ҳам қараб туришгани йўқ. Масалан, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тизимидаги барча корхоналар, Мирзачўл, Баҳмал, Пахтакор, Зомин тумани ҳокимликлари белгиланган тўплашларни ўз вақтида удаллашиб, ўрнак кўрсатишмоқда, — дея сўзида давом этади И.Тўймуродов. — Зиммаимиздаги вазифани ўз вақтида ўринлатиш учун вилоят жамоатчилиги ўз кўмагини аямайди, деб умид қилиб қоламиз.

Яқинда корхона ҳаётида муҳим воқеа рўй берди, — дейди кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган сараловчи уста Эргаш Исабеков. — Россия Федерациясидан барча қулайликларга эга, замонавий, ишлаш қуввати юқори "КамАЗ" русумли металловоз олиб келинди. Бу янги

машинада бир кунда 20 тонна металл ортиб келтириш имконияти бор. 187 миллион сўмга харид қилинган бу янги машина Жиззахлик металл йиғувчиларнинг ишини бирмунча осонлаштирди.

Шўба корхона ташкил бўлгандан буён бу ерга кўп меҳнати сингган тажрибали ишчи-хизматчилар унинг равнақида ўз хиссаларини қўшишмоқда. Қран хайдовчиси Алик Исқандаров йигирма йилдан бери шу ерда ишлайди. Газ билан темир кесувчи Расул Раҳमतов эса ўн йилдан бери меҳнат қилади. — Ишчи-хизматчиларимизнинг мазмунли дам олишлари учун барча шароитлар яратилган, — дея сўхбатга қўшилди шўба корхона ходими Ольга Ҳайитбоева. — Ишчиларимизга махсус кийим-кечак берилган, уларнинг техник хавфсизлиги таъминланган. Корхонамиз "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти.

— Кейинги йилларда Дўстлик ва Мир-

зақўл туманларида иккита участка ташкил қилинди. Режаларимизнинг ўз вақтида удаланишига қишлоқ худудларида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар ҳам катта кўмак берапти. Ўз навбатида биз ҳам қишлоқларимизда инфратузилмани ривожлантиришга маддаимизни аямаймиз, — дейди корхона темир кесувчиси Расул Раҳमतов. — Бизга бир ойда 3-4 тонна кислород зарур бўлади. Ҳозирда бу хомашё бўйича ҳеч қандай муаммо йўқ. Шу билан бирга металл йиғиш ишига панжа орасидан қараётган корхона ва ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Арнасой, 3 а ф а р о б о д, Дўстлик туманлари ҳокимликлари металл парчаларини йиғиб топшириш ишига лоқайдлик билан қарашмоқда...

Жиззах шаҳрининг саноат худудидан жойлашган бу корхонани металл заводи деб аташади. Тўла темир-терсак ортган навбатдаги машина келиб дарвоза олдида тўхтади. — Яна бир мижозимиз иккиламчи хомашёни келтирди, — деб айтишди корхона ишчилари. — Энди саранжомланиб, поезд вагонларига ортिलाди. Иш жараёни ана шундай тигиз давом этмоқда.

Дўстлик туманлари ҳокимликлари металл парчаларини йиғиб топшириш ишига лоқайдлик билан қарашмоқда...

Улғубек ЖУМАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Жиззах вилояти

Яхшилар ёди

Умрни оқар дарёга қиёслашгани бежиз эмас. Қувончлар, тошвишлар, топишлар, йўқотишлар билан кечган ҳоётингда бир пойнт қарасанг ёнингданги энг яқин қадрдонинг сени тарқ этган бўлади. Бу — оғир изтироб. Моҳир ташкилотчи, мелиорация ва сув хўжалиги билимдони Қаландар Сапоев кўнгилларни изтиробга солиб кетди. У ажойиб фазилатлари, доно маслаҳатлари, касбига садоқати ва атрофдагиларга жонқурлиги билан кўпчиликка ибрат эди.

Дарёқил инсон эди

Қ.Сапоев ёшлигиданок ўзида интилувчанлик ва меҳнатсеварлик хислатларини мужассам этганди. Шу ўринда унинг ҳаёт йўлига бир назар ташлаш жоиз. 1936 йили Хоразм вилоятининг Янгиерга туманида дехқон оиласида туғилган Қаландар Сапоев ўрта мактабни муваффақиятли битиргандан сўнг Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг гидромелиорация факультетига ўқиди. У меҳнат фаолиятини Тошқоқ қурилиш-монтаж бошқармасида бошлаб, дастлаб бўлим бошлиғи, бош муҳандис, 1967 йилдан эса бошқарма бўлими лавозимидан самарали меҳнат қилди. 1975 йилда халқ депутатлари Хоразм вилояти ижроқўми раиси ўринбосари, раиси лавозимларига муносиб кўрилди. Бу даврда ташкилотчилик, раҳбарлик қобилиятини намоён қилди. 1985 йили республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги таъинланди. Тармоқни ривожлантириш, замонавий сув иншоотлари қурилиши, томчилаб суғоришни жорий этиш борасида бор куч-ғайратини, билиминини ишга солди. Хоразм вилояти халқ депутатлари Кенгаши раиси ўринбосари, вилоят агро-саноат бошқармаси бошлиғи, "Амударё" ҳавза бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаб, ўзининг кўп йиллик тажрибасини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлади. 1992 йили вилоят ҳокими ўринбосари, касба уюшмалари кенгаши раиси лавозимларида ишлаган даврда ҳам ўзининг ташкилотчилик ва раҳбарлик салоҳиятини кўрсатди.

Сув хўжалиги жонқури бўлган Қ.Сапоев 1998 йилдан 2004 йилга қадар вилоят суғориш тармоқлари бошқармасига қарашли туманлараро каналлар бошқармаси бошлиғи лавозимидан самарали меҳнат қилди, кўплаб шогирдлар тайёрлади. Вилоят мелиорация ва сув хўжалиги тизимида яхши натижаларга эришилди. У ҳамisha сув тежамкорлиги, суғоришга илғор технологияларни жорий қилиш ишларида жонбозлик кўрсатар эди. Бу унинг ўз касбига фидойилигини намоён этиб турарди. Кўплаб мелиораторлар устози бугун ҳамкасблари сафида йўқ. Кўнгилларга фақат бир нарса таскин беради: ундан ёрқин хотира, эзгу ишлар, муносиб фарзандлар ва шогирдлар қолди. Булар унинг ҳаёти мазмуни ва ибратли ўтганлигидан далолат беради.

Ойбек МАЪМУРЖОНОВ

Тадбиркорлик

Янги технология шарофати

"Янгийўлашҳарсавдо" масъулияти чекланган жамият тасарруфидан ташкил этилган "Янгийўллон" кичик корхонасида Россиянинг Белгород шаҳридан келтирилган янги технология ёрдамида кунига 6 тоннадан зиёд буханка нонлари тайёрланапти.



Ишлаб чиқариш жараёнида газ ва электр энергиясини қарийб 70 фоиз тежаш имкониятига эга бу технология корхонага салмоқли фойда келтирмоқда. Йил охирига бориб корхона тўла қувват билан ишлайди, маҳсулот ҳажми эса икки бараварга ошади. Шу мақсадда корхона "Қишлоқ қурилиш банк"нинг шаҳар бўлимидан 250 минг АҚШ доллари миқдоридан кредит оляпти. Бу ҳаракатлар натижаси, табиийки, корхонада иш ўринлари сонининг кўпайишига, маҳсулот ҳажмининг ошишига кўмаклашади.

— Республикада тадбиркорликни йўлга қўйиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкони-

ятли кенг, — дейди жамият раиси Бахтиёр Эрзабаров. — Жумладан, Президентимизнинг шу йил 15 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада рағбатлантиришни кучайтириш, янги иш жойларини шакллантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш каби истиқболли вазифаларга ҳизмат қилмоқда.

Мазкур қарорда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва jisмоний шахсларни

Мунаввара ИСОКУЛОВА Тошкент вилояти

Пахтазорнинг бугунги манзарасини, қийғос очилган чаноқларни кўрган дехқон чарноқни унутмади. Янгиерга туманидаги "Бахтиёр Ёқубов" фермер хўжалиги далаларида бўлганимизда шундай кайфиятнинг устидан чиқдик.

«МЕҲНАТ» ва «ИБРАТ»

Фермер парваришлаётган шундай навли гўзалар унинг фаолиятига ҳам мос

— Хўжалигимиз ихтиёрида 100 гектар экин майдони бўлиб, жорий йилда 50 гектар майдонда гўза парваришладик, — дейди қишлоқ мулкдори. — Шунини мамнулик билан айтмоқчиманки, жамоамизда кўп йиллардан буён уруғлик пахта ва бугдой этиштирилади. Ўтган йили тасарруфимиздаги 40 гектар майдон-



да гўзанинг истиқболли "Ибрат" навини экандик. Парваришнинг мутахассислар тавсиялари ва тажрибаларига асосланган ҳолда ўтказганимиз боис, сув тақчиллиги рўй берган йилда ҳам мўл ҳосил этиштиришга муваффақ бўлдик. Ҳосилдорлик гектар бошига 42 центнердан ошди. Йилни барча соҳа-

лар бўйича 50 миллион соф фойда билан якунлагандик. Маҳсулот сифати ва миқдори кўнгилдагидек бўлаётганлиги боис, мутахассислар бу йил гўзанинг воҳамиз тулроғида синондан ўтган ва дехқонларимизга кўпроқ маъқул бўлаётган "Меҳнат" навини экиб, уруғлик пахта этиштиришимизни маъқул қўришди. Ҳар бир навнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Барчаси парваришни севади, ўз муддатиде керагича озиклантиришни талаб қилади. Агротехник тадбирларни рисоладагидек ўтказган, ҳар бир туп ниҳол бошида парвона бўлган миришкоргина ниҳати қаришади. Амалдаги йилда баҳор ва ёз фаслининг айрим ҳафталари салқин келганидан гўзалар ривожини бироз орқада қолди. Ана шу кечикиш ўрни қўшимча озиклантириш ва ишловлар билан қопланди.

Ҳа, дехқон серкўш кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдалансагина кўзланган ниҳати етади. Фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Ёқубов ана шундай миришкорлардан. У бошлиқ жамоа аъзолари 100 тонна уруғлик пахтани ўз вақтида топшириш ва мавсум охиригача умумий хирмон салмоғини 200 тоннадан ошириш учун ғайрат қилмоқдалар.

Холмурод ҚУРБОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Хоразм вилояти

Qishloq Qurilish Bank

ЭНГ ЯХШИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Банк Инвестиция дастури доирасида тадбиркорлик субъектлари орасида юқори самарадорли ва рентабелли инвестицион лойиҳаларни имтиёзли равишда молиялаш мақсадида танлов эълон қилади.

АСОСИЙ ШАРТЛАР ВА ТАЛАБЛАР

- 1. Лойиҳа қиймати — камида 150 млн.сўм ёки 100 минг АҚШ доллари миқдорида;
2. Лойиҳани амалга ошириш муддати — лойиҳанинг ўз-ўзини қоплаш муддатидан келиб чиққан ҳолда, максимал муддати 5 йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим;
3. Лойиҳа ташаббускори лойиҳа қийматининг камида 25 фоизи миқдоридан ўз маблағлари билан иштирок этиши лозим;
4. Таъминотнинг умумий қиймати инвестицион кредит маблағининг 125 фоизидан кам бўлмаслиги керак;
5. Лойиҳа рентабеллиги, юқори самарадорли, шу жумладан янги ишлаб чиқариш технологияларига асосланган ва янги ишчи ўринлари яратишга йўналтирилган бўлиши ёки мавҳуд бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозланишига йўналтирилган бўлиши лозим;

- 6. Экспортга йўналтирилган ва миллий бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳалар устуворликка эга бўлади;
7. Лойиҳа иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқларида ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) ривожлантириш учун йўналтирилган бўлиши лозим:
— нефть ва газ соҳаси;
— озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
— ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
— электро-техника ва юқори технологиялар соҳаси.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

- 1. Танловда иштирок этиш учун ариза;
2. Корхона Низоми ва Таъсис шартномаси;
3. Корхонанинг ёки лойиҳа ташаббускорларининг охириги 3 йиллик солиқ назорати томонидан тасдиқланган бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий натижалар ҳақида ҳисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақида

- маълумотнома;
4. Лойиҳанинг тахик иқтисодий асосланиши (ТИА) ёки бизнес-режаси;
5. Таъминот тўғрисидаги батафсил маълумот.
Танловда лойиҳа нархи оптимал даражага келтирилганлиги асосий эътиборга олинади. Энг яхши тайёрланган 3 та лойиҳа имтиёзли равишда молиялаштирилади.
Танловда иштирок этиш учун аризалар 2009 йил 15 октябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри Шаҳрисабз кўчаси 36-уй.
Танлов бўйича ғолиблар танлов комиссияси томонидан аниқланади ва танлов ҳужжатлари қабул қилинган якуний кундан 1 ой ичида эълон қилинади.

Мурожаат учун ахборот маркази телефонлари: (+99871)-236-16-17; 233-71-72, 233-90-43 E-mail info@qqb.uz; www.qishloqqurilishbank.uz

Qishloq Qurilish Bank

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛМОҚДА

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида янги инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун танлов эълон қилади.

Танловда қуйидаги мақсадларга йўналтирилган инвестицион лойиҳалар қабул қилинади: деворбоб материаллар, том ёпиш материаллари, биноларни ташқи ва ички қўринишини пардозловчи материаллар, замонавий ва экологик тоза маҳсулотлардан ишлаб чиқарилган эшик ва дераза, сантехника ва электржиҳоз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи технологик ускуналарни харид қилиш.

ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН АСОСИЙ ШАРТЛАР ВА ТАЛАБЛАР:

- 1. Лойиҳалар санитар-гигиеник, радиацион, экологик, архитектура-шаҳарсозлик қурилиши талаблари ва қонунчилик билан белгиланган бошқа талабларга жавоб бериши лозим;
2. Лойиҳадаги мижоз ва ташаббускорлар маблағлари

улуши лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорида таъминланган бўлиши лозим;
3. Таъминотнинг умумий қиймати инвестицион кредит маблағининг 125 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

- 1. Танловда иштирок этиш учун ариза;
2. Корхона Низоми ва Таъсис шартномаси;
3. Корхонанинг ёки лойиҳа ташаббускорларининг солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий натижалар ҳақида ҳисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақида маълумотнома;
4. Лойиҳанинг техник иқтисодий асосланиши (ТИА) ёки бизнес-режаси;

5. Таъминот тўғрисидаги батафсил маълумот.
ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" танловида лойиҳа нархи оптимал даражага келтирилганлиги асосий эътиборга олинади. Энг яхши тайёрланган 3 та лойиҳа имтиёзли равишда молиялаштирилади.
Танлов бўйича ғолиблар танлов комиссияси томонидан аниқланади ва танлов ҳужжатлари қабул қилинган якуний кундан 1 ой ичида эълон қилинади.
Танловда иштирок этиш учун аризалар 2009 йил 15 октябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри Шаҳрисабз кўчаси 36-уй.
Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 236-16-17; 233-71-72, 233-90-43 E-mail info@qqb.uz; www.qishloqqurilishbank.uz

